

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/28.02.2022.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**ЗОХИДОВ ФИРУЗ ФАХРИТДИНОВИЧ**

**ҲУДУДДА ИЧКИ ТУРИЗМНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Зоҳидов Фируз Фахритдинович**

Худудда ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш. 3

**Зоҳидов Фируз Фахритдинович**

Повышение социально-экономической эффективности внутреннего туризма  
в регионе..... 29

**Zokhidov Firuz Fakhritdinovich**

Increasing the socio-economic efficiency of domestic tourism in the region ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 61

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/28.02.2022.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**ЗОХИДОВ ФИРУЗ ФАХРИТДИНОВИЧ**

**ҲУДУДДА ИЧКИ ТУРИЗМНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt685 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Асланова Дилбар Хасановна</b> иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Навруз-зода Бахтиёр Негматович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  <b>Алимова Машхура Тоирхоновна</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.02.2022.I.18.01 рақамли илмий кенгашининг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел: (99866) 233-19-84; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).

Диссертация иши билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-19-84; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди (2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Э. Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Ш.О.Қувондиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

**М.М. Муҳаммедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йигирма йил ичида туризм жаҳон иқтисодиётининг сердаромад тармоқларидан бири сифатида намоён бўлиб, кўпгина тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар миллий иқтисодиётининг етакчи кучига айланди. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, «2019 йилда жаҳон ялпи маҳсулотининг 10,4 фоизи, халқаро миқёсда товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг 6,5 фоизи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келган»<sup>1</sup>. Аммо COVID-19 пандемиясининг таъсирида туризм 2020 йилда ўз ривожланиши давридаги энг катта инқирозни бошидан кечирди, соҳада талабнинг кескин пасайиши туфайли «халқаро туристик оқим 2019 йилга нисбатан 74 фоизга камайди, ҳамда туристик экспорт тушумларининг 1,3 триллион АҚШ доллари миқдоридаги йўқотилишига сабаб бўлди»<sup>2</sup>. Жаҳон миқёсида туризм соҳасини инқирозли вазиятдан чиқариш дастаги сифатида ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда туризмнинг алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрнини тиклаш, уни қайта жадал ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туристик ҳудудларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган туризм инфратузилмасини такомиллаштириш, соҳада хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, туристик маҳсулотларни диверсификациялаш ва туристик кластерларни шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш, ички туризмни ташкил этиш стандартларини ва ички туризм самарадорлигини баҳолаш услубларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари сифатида «туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, юз минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини ушлаб туриш, шунингдек, мамлакатда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш»<sup>3</sup> белгиланган. Мазкур масалаларни республикада туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, тақдим этилаётган туристик хизматларни халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириш, ички туризмнинг ривожланиш самарадорлигини ҳудудларда рекреацион инфратузилмани

<sup>1</sup> [https://tourlib.net/wto/WTO\\_highlights\\_2020.pdf](https://tourlib.net/wto/WTO_highlights_2020.pdf)

<sup>2</sup> <https://www.e-unwto.org/doi/epdf/10.18111/wtobarometerrus.2021.19.1.1>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 май 2020 йилдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // <https://lex.uz/ru/>

такомиллаштириш асосида ошириш, шунингдек, туристик кластерлар механизмларидан ҳудудларнинг мавжуд туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда фойдаланиш орқали ечимини топиш алоҳида аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон «Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий адабиётларда туризм ривожланишининг турли жабҳаларига хос назарий ва методологик масалалар ўрганилган. Хусусан, туризм иқтисодиёти, қирувчи ва ички туризмга хос бўлган иқтисодий муносабатларнинг назарий асослари ва амалий масалалари МДХ мамлакатлари олимларидан В.И.Азар, И.Т.Балабанов, А.Ю.Александрова, В.С.Боголюбов, М.Б.Биржаков, М.Н.Дмитриев, А.Б.Здоров, Н.Б.Зорин, В.А.Квартальнов, М.А.Жукова, Н.И.Кабушкин<sup>4</sup> кабиларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Туризм соҳасининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги, уни баҳолаш ва оширишнинг назарий-методологик жабҳалари Д.Н.Марков, Б.А.Осипов, Е.И.Юванен, С.Ю.Цехла, М.В.Виноградова, О.Н.Сорокина, Н.В.Караулова, Р.К.Аминова, Е.Н.Подсёвалова, Т.Ю.Чикурова, С.Р.Barros, N.Johns,

---

<sup>4</sup> Азар В.И. Экономика и организация туризма. - М.: Экономика, 2003. - 322 с.; Александрова А.Ю. Международный туризм. - М.: Аспект Пресс, 2002. - 346 с.; Боголюбов В.С. Экономика туризма: учеб. пособие для студ. высш. учеб.заведений. - М.: «Академия», 2005. - 192с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм: изд. 9-е, перераб. и доп. СПб.: Издательский дом «Герда», 2007. - 576 с.; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма: учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 176 с.; Дмитриев М.Н., Забаева М.Н. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме: учебник. М.: ЮНИТИ- ДАНА, 2006. - 310 с.; Здоров А.Б. Экономика туризма. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 272 с.; Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма: справочник -М.: Финансы и статистика, 2000- 368с.; Жукова М.А. Индустрия туризма: менеджмент организации.- М.: Финансы и статистика, 2003. - 192 с.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма: учеб.пособие. - Минск: БГЭУ, 1999. - 440 с.

R.C.Morey, R.A.Bell, D.Reynolds, M.F.Cracolici<sup>5</sup> каби олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистон ҳудудларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг алоҳида масалалари М.К.Пардаев, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, Н.Т.Тухлиев, Б.Н.Навруз-Зода, Д.Х.Асланова, Б.Х.Тўраев, М.Т.Алимова, О.Х.Хамидов, Е.В.Голишева, Н.С.Ибрагимов, Б.Ш.Сафаров<sup>6</sup> ва бир қатор бошқа иқтисодчи-олимларнинг илмий ишларида акс эттирилган.

---

<sup>5</sup>Марков Д.Н. Экономическая оценка туристской деятельности на региональном уровне: автореф. дисс. ... к.э.н.: 08.00.05 / Д.Н. Марков. ДФУ. – Владивосток, 2013. – 24 с.; Осипов Б.А. Методика оценки социально-экономической эффективности внутреннего туризма / Б.А.Осипов, В.В.Соколенко, Ю.Д.Шмидт // Вестник ТГЭУ. – 2011. – №3. – С. 3–11; Юванен Е.И. Оценка социально-экономической эффективности внутреннего туризма в регионе (на примере Приморского края): автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / Е.И.Юванен. Тихоок. гос. экон. ун-т. – Владивосток, 2006. – 22 с.; Цехла С.Ю. Особенности оценки социальной эффективности туристической деятельности / С. Ю. Цехла // Экономика Крыма. – 2010. – №2(31). – С. 78–82; Виноградова М.В. Социально-экономическое влияние развития регионального туристского комплекса на экономику региона / М.В. Виноградова // Сервис в России и зарубежом (электронное периодическое издание). – 2010. – №1. – URL: [http://old.rguts.ru/electronic\\_journal/number16/contents](http://old.rguts.ru/electronic_journal/number16/contents) Сорокина О.Н. Зарубежный опыт оценки мультипликативного эффекта развития туризма [Электронный ресурс] / О.Н.Сорокина // Сервис в России и зарубежом. – 2010. – №3. – URL: [http://old.rguts.ru/electronic\\_journal/number18/contents](http://old.rguts.ru/electronic_journal/number18/contents); Караулова Н.В. Внешне экономическая деятельность предприятия туризма: система показателей эффективности хозяйственной деятельности предприятия / Н. Караулова // Вестник ХГАЭП. – 2007. – №3(30). – С. 63–68; Аминова Р.К. Методические основы оценки и направления повышения эффективности функционирования организаций индустрии туризма: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / Р.К. Аминова. ДГТУ. – Махачкала, 2009. – 22 с.; Подсёвалова Е.Н. Методические подходы к определению эффективности предприятий туристической индустрии [Электронный ресурс] / Е. Н. Подсёвалова // Сервис в России и зарубежом. – 2011. – №3. – URL: [http://old.rguts.ru/electronic\\_journal/number22/contents](http://old.rguts.ru/electronic_journal/number22/contents); Чикурова Т.Ю. Социально-экономическая эффективность туристской деятельности в малых и средних городах: автореф. дисс. ... канд. экон. наук 08.00.05 / Т.Ю. Чикурова; ГОУВПО УрГЭУ. – Екатеринбург, 2011. – 25 с.; Barros C. P. Measuring efficiency in the hotel's: an illustrative example / C. P. Barros // Annals of Tourism Research. – 2005. – №32 (2). – P. 456–477.; Johns N. The use of data envelopment analysis to monitor hotel productivity / N. Johns, B. Howcroft, L. Drake // Progress in Tourism and Hospitality Research. – 1997. – №3. – P. 119–127; Morey R. C. Evaluating a Hotel GM's Performance: A Case Study in Benchmarking / R. C. Morey, D. A. Dittman // Cornell Hotel Restaurant & Administration Quarterly. – 1995. – №36 (5). – P. 30–35.; Bell R. A. Increasing the efficiency of corporate travel management through benchmarking / R. A. Bell, R. C. Morey // Journal of Travel Research. – 1995. – №33 (3). – P. 11–20; Reynolds D. Hospitality-productivity assessment using data envelopment analysis / D. Reynolds // Cornell Hotel and Restaurant Administration Quarterly. – 2003. – №44 (2). – P. 130–137.; Cracolici M. F. Tourism sustainability and economic efficiency – a statistical analysis of Italian provinces / M. F.Cracolici, P. Nijkamp, M. Cuffaro // Cultural tourism and sustainable local development. – Ashgate, 2009. – P. 167–180; Hwang S. N. Using data envelopment analysis to measure hotel managerial efficiency change in Taiwan / S. N. Hwang, T. Y. Chang // Tourism Management. – 2003. – №24. – P. 357–369.

<sup>6</sup>Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. –Т.: «Iqtisod-Moliya» нашриёти, 2010. – 238 б.; Boltabayev M.P, Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, - 400 б.; Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. //Монография. «Зарафшон» нашриёти. 2017. – 300 б.; Навруз-зода Б.Н., Ибрагимов Н.С., Навруз-зода З.Б., Навруз-зода Ш.Б. Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги Монография. Бухоро: «Садриддин Салим Бухорий» Дурдона нашриёти, 2017 – 156 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. –Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. – 424 с.; Асланова Д.Х. Региональный туристский кластер: сущность и проблемы его эффективного функционирования. Монография. / Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова. – Самарканд: Zarafshon, 2017. – 225 с.; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. –Т.:«Фан», 2009. – 154 с.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодий фанлари доктори .. диссертация. –С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: дисс...канд. экономических наук. –С.:СамИСИ, 2006. -155 с.; Гольшева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях. Дис..канд.экон.наук. – Ташкент, 2012. – 156с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. - Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. - 184 б.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий тадқиқотлари ушбу йўналишда қилинган илмий ишлар ичида ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Аммо, Ўзбекистон ҳудудларида ички туризмни ривожлантириш муаммолари, уни самарадорлигини аниқлаш ва ошириш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. Юқорида қайд этилган фикрлар тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170929646 «Агроэкотуристический кластерный яратил усуллари» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инновацион иқтисодиёт шароитида ҳудудда ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ички туризм мажмуини ҳудуд иқтисодиётининг диверсификацияланган функционал қули тизими сифатида ўрганиш, ҳамда унинг асосий ижтимоий-иқтисодий функцияларини ажратиш кўрсатиш;

хорижий мамлакатларда ички туризмнинг ривожланиш тенденциялари ва ҳозирги ҳолатини аниқлаш;

ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича назария ва амалиётда мавжуд услубий ёндашувларни тизимлаштириш ва умумлаштириш;

Ўзбекистон ҳудудларида ички туризмни дифференциациялашнинг моддий-техник, табиий ва ижтимоий-маданий салоҳиятини таҳлил қилиш, ҳамда алоҳида ҳудудларда ички туризмни ривожлантиришнинг асосий омиллари ва имкониятларини аниқлаш;

ички туризмнинг ҳудудий даражадаги ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини комплекс ёндашув ва интеграл қийматлари асосида миқдорий баҳолаш методикасини такомиллаштириш, ҳамда динамикасини баҳолаш;

Ўзбекистон ҳудудларида ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ички туризмнинг ривожланиш тенденциялари ва уларга таъсир этувчи аҳамиятли омилларни иқтисодий-статистик усуллар ёрдамида аниқлаш;

ички туризмни ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш омили сифатида уни диверсификация қилиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон ички туризм бозори субъектлари фаолияти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон ҳудудларида ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган



ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракция, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, иқтисодий-математик усуллар, жумладан, регрессион ва экстрополяция таҳлили усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ички туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминловчи илм-фан, транспорт-логистика, сервис, туристик-рекреацион тузилмаларини интеграцияловчи агроэкотуристик кластерини Миронкул қишлоғида шакллантириш таклифи асосланган;

ички туризм хизматларини тақдим этиш бўйича стандартларни яшил маршрутлар паспортига маршрут харитаси ва кадастрини киритиш орқали экологик ва агротуризмни ташкил этишнинг халқаро стандартларига мос равишда такомиллаштириш таклифи асосланган;

«туризм қишлоқлари»да агроэкотуризмни ривожлантириш ва «туристик кластерлар»ни шакллантириш асосида ҳудуднинг туристик салоҳиятидан янада самаралироқ фойдаланишга йўналтирилган ички туризм соҳасини 2022-2025 йилларда ривожлантиришнинг прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

туризм мобиллик даражасига таъсир этувчи аҳамиятли омилларни аниқлаш услуби ички туристик оқимга соғломлаштириш, дам олиш ва жойлаштириш инфратузилмасининг таъсирини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ички туризмнинг ижтимоий ва иқтисодий функциялари белгиланган;

«туристик фаолият» ва «туристик маҳсулотнинг қиймат занжири» тушунчаларининг туризм соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини тадқиқ этиш услубиятининг асосий унсурлари сифатидаги мазмуни ва моҳияти очиқ берилган;

ички туризм соҳасида койка фондидан фойдаланиш самарадорлиги, жой сифими самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини корреляцион боғлиқлик орқали меъёрлаштириш асосида ҳудудда ички туризм ривожланиши ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг интеграл кўрсаткичини баҳолаш услуби такомиллаштирилган;

ҳудудда ички туризм ривожланиши ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи ва уни баҳолаш методикаси асосида тегишли давр ва Ўзбекистон Республикаси алоҳида ҳудудлари кесимида ички туризмнинг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги баҳоланган;

Миронкул агроэкотуристик кластерининг тузилмаси ва интерактив харитаси, шунингдек мазкур кластерни шакллантириш механизми: усуллари, элементлари ва воситалари бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Таҳлил жараёнида Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Туризм ва саёҳатлар бўйича Жаҳон Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, ишда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳудуд микёсида ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳамда инновацион иқтисодиёт шароитида уни самарали ривожлантириш бўйича олинган илмий хулосалардан ушбу йўналишга оид методологик-услубий аппаратни, ҳудудларда ички туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми иқтисодий-институционал асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳудудларда ички туризмни самарали ташкил қилиш, туризм соҳаси субъектларининг ички бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш амалиётида, ҳудудий маркетинг тадбирлари режасини, туризм соҳасини ривожлантириш самарали стратегиясини, туризм соҳасини янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижроси мониторингини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳудудда ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ички туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминловчи илм-фан, транспорт-логистика, сервис, туристик-рекреацион тузилмаларини интеграцияловчи агроэкотуристтик кластерини Миронкул қишлоғида шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий ва илмий-амалий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон қароридаги Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»га киритилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 20 сентябрдаги 03-17-02/6490-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ички туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

ички туризм хизматларини тақдим этиш бўйича стандартларни яшил маршрутлар паспортига маршрут харитаси ва кадастрини киритиш орқали экологик ва агротуризмни ташкил этишнинг халқаро стандартларига мос равишда такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон қароридаги Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»га киритилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 20 сентябрдаги 03-17-02/6490-сонли маълумотномаси). Натижада, ички туризм бозорида туристик маҳсулотлар истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш жараёни сифатини оширишга эришилган;

«туризм қишлоқлари»да агроэкотуризмни ривожлантириш ва «туристик кластерлар»ни шакллантириш асосида ҳудуднинг туристик салоҳиятидан

янада самаралироқ фойдаланишга йўналтирилган ички туризм соҳасини 2022-2025 йилларда ривожлантиришнинг прогноз параметрлари бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий ва илмий-амалий таклифлар Самарқанд вилоятида туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқишда асос сифатида қабул қилинган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 15 сентябрдаги 02-16/4504-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш мамлакатимизда 2021-2025 йиллар давомида ички туристлар сонининг ўртача йиллик 13 фоизга кўпайиши имконини бериши прогноздаштирилган;

туризм мобиллик даражасига соғломлаштириш, дам олиш ва жойлаштириш инфратузилмасининг таъсирини баҳолаш услуби бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон қароридаги Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»га киритилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 20 сентябрдаги 03-17-02/6490-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ҳудудлар бўйича туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган мақсадли ва манзилли дастурларни алоҳида ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш позициясидан келиб чиқиб ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги механизмини шакллантириш имкониятини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий нашрларда 6 та мақола, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этди.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ички туризмнинг назарий-услубий асослари ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган биринчи бобида ички туризмнинг назарий-услубий жабҳалари,

хусусан, туризмнинг асосий турлари ва шаклларининг моҳияти, туризмнинг миллий иқтисодиётдаги роли, ички туризмнинг макро- ва микро-даражадаги таъсири, уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий функциялари ва омиллари моҳиятини тавсифловчи назарий ёндашувлар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган, ҳамда ички туризмни ривожлантириш тенденциялари бўйича хорижий тажриба таҳлили келтирилган. Шунингдек, туризм соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубиятининг асосий унсурлари, туризм соҳасида ижтимоий-иқтисодий самарадорликнинг моҳиятини тадқиқ этиш асосида ички туризм ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг методик асослари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган.

Бирон бир мамлакатга нисбатан туризмнинг қуйидаги шакллари алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ички туризм муайян мамлакатда доимий равишда яшовчи ташриф буюрувчининг мазкур мамлакат доирасидаги ички туристик сафари ёки чикувчи туристик сафари миқёсидаги фаолиятини қамраб олади;
2. Кирувчи туризм мазкур мамлакатда яшамайдиган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакатга кириш сафари давомидаги фаолиятини қамраб олади;
3. Чикувчи туризм мамлакат ҳудудида яшовчи ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат чегараларидан ташқаридаги туристик сафари давомидаги фаолиятини қамраб олади.

Юқорида тавсифлаб берилган туризмнинг учта шакли ўзаро комбинациялашган ҳолда туризмнинг янги шакллари ташкил этади, булар:

1. Ички ва кирувчи туризмни қамраб олган мамлакат доирасидаги туризм;
2. Ички ва чикувчи туризмни қамраб олган миллий туризм;
3. Кирувчи ва чикувчи туризмни қамраб олган халқаро туризм.

Халқаро туризм амалиётида мамлакат миқёсида чикувчи ва кирувчи туризм статистикаси мамлакат чегараларини кесиб ўтишда юритиладиган божхона ҳужжатлари маълумотлари асосида олиб борилади. Ички туристик оқимни ҳисоблашда эса, ҳудудий чегаралардан ўтишда статистик ҳисобнинг юритилмаслиги сабабли, асосий статистик манба сифатида туристларни жойлаштириш бўйича юритиладиган статистика ҳисобланади.

Ички туризмнинг иқтисодиёт ва жамият ривожланишига таъсирини икки даражада, яъни макро- ва микро-даражаларда кўриб чиқиш тавсия қилинди (1-жадвал).

Ички туризмнинг иқтисодий таъсири бешта иқтисодий функцияларини ажратиб кўрсатиш орқали кўриб чиқилди, хусусан: ишлаб чиқариш функциясида намоён бўлувчи номоддий кўринишга эга бўлган товар (хизмат)нинг ва қўшимча қийматнинг яратилиши; бевосита ва билвосита (туризм билан боғлиқ бошқа тармоқларда) аҳоли бандлигини таъминлаш функцияси; даромадларни шакллантириш функцияси; ички туризмнинг бевосита даромадлар самарасини вужудга келтиришини назарда тутувчи барқарорлаштириш функцияси; ҳудуддан ташқарига чикувчи ички туристлар ва бошқа ҳудудлардан келган ички туристлар истеъмолидан олинган

даромадлар ўзаро таққосланишини назарда тутувчи тўлов балансини мувофиқлаштириш функцияси.

Ички туризмнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратишмиз мумкин: талаб ва таклиф омиллари. Талаб омилларига даромад, оила тузилиши ва таркиби, урбанизация ва бўш вақтнинг мавжудлигини, таклиф омилларига туризм инфратузилмаси, сервис, ахборот коммуникация технологияларини киритиш мумкин.

## 1-жадвал

### Ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири<sup>7</sup>

Ички туризмнинг макродаражадаги таъсири	
Ижтимоий соҳа	Иқтисодий соҳа
Дам олиш ва эркин кўчиш ҳуқуқининг таъминланиши	ЯИМ/ЯҲМда туризмнинг улуши ва даромадлилигининг ортиши
Ижтимоий барқарорлик асоси бўлган ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши	Туристларни мамлакат ичидаги сарфларининг ортиши, ички капитал чиқиб кетишига тўсқинлик қилиш
Ижтимоий зўриқишнинг камайиши	Янги иш ўринларининг яратилиши
	Чиқувчи туризмнинг ривожланиши
	Мультипликатив самара, яъни турдош тармоқларнинг ривожланиши
Ички туризмнинг микродаражадаги таъсири	
Билиш ва ижтимоий тарбия даражасининг ортиши, толерантлик	Иш ўринларининг ортиши
Ватанпарварлик руҳининг ортиши	Туристтик корхоналар даромадларининг ортиши
Ички туризмни хилма-хиллигининг ортиши	Туристтик маҳсулотни диверсификация қилиш имкониятининг ортиши
Ички туризмнинг оммалашуви	Турмаҳсулот ассортиментини кенгайтириш ҳисобига самарадорликни ошириш
Жамиятнинг ижтимоийлашувига эришиш	Сотув ҳажмини ошириш ҳисобига турмаҳсуот таннархини пасайтириш

Шунингдек, ички туризмнинг ривожланишига зарурий шартлар ва қулай меъёрий-ҳуқуқий муҳитнинг яратилиши институционал омилларда намоён бўлади. Ички туризмни ривожлантиришда мавсумийлик омилнинг инобатга олиниши алоҳида аҳамиятга эга (1-расм).


Рекреация ва туризм соҳасидаги ижтимоий -иқтисодий самарадорликни тадқиқ қилиш методологиясини кўриб чиқишда унинг объекти ҳисобланган туристик фаолиятни етарлича таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабли тадқиқот давомида туризм соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини тадқиқ этиш услубиятининг асосий унсурлари ҳисобланган «туристик фаолият» ва «туристик маҳсулот» тушунчаларининг моҳияти ва уларнинг таркибий қисмлари илмий назарий жиҳатдан тадқиқ этилди. «Туристтик фаолият» таърифига кенг қамровлилик нуктаи назаридан ёндашиш, туристик фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигига қаратилган тадқиқот методологияси объектини аниқ белгилаб олиш имконини беради.

Маълумки, туристик маҳсулот – бу харидор учун зарур бўлган, турли тузилмалар (ташкилот ва корхоналар) томонидан амалга ошириладиган мажмуавий фаолият натижаси ҳисобланади. Ушбу ташкилотлар томонидан яратилган умумий истеъмол қиймати ҳамкорлик натижасида туристик

<sup>7</sup>Муаллиф ишланмаси

маҳсулотнинг қиймат занжирини ҳосил қилади. Туризм индустрияси иқтисодиётнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро боғлиқ тармоқлари мажмуи бўлгани учун, туристик фаолиятни қиймат яратиш ва уни тақсимлаш занжирини ташкил этувчи фаолият турлари сифатида қараш мумкин.



**1-расм. Ички туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар<sup>8</sup>**


Туристик маҳсулотнинг қиймат яратиш занжири – бу туризм соҳасидаги узоқ муддатли йўналишга эга бўлган ва соҳанинг манфаатдор иштирокчилари (етказиб берувчилар, воситачилар ва туристик маҳсулотларни истеъмолчилар)дан ташкил топган барқарор тузилмани ўзида акс эттирувчи корхоналараро тармоқли муносабатлар шаклидир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, туристик фаолиятни турмаҳсулот қийматини яратиш ва тақсимлаш занжирига кирувчи тармоқлар фаолияти мажмуи сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, туризм фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги турмаҳсулот қийматини яратиш ва тақсимлаш занжирининг умумий самарадорлигини англади. Шу билан бирга, камида бир иштирокчи фаолиятининг самарасизлиги, бутун занжирнинг самарасизлигига олиб келиши мумкин.

Бугунги иқтисодий ривожланишнинг тобора мураккаблашаётган шароитида, туризм фаолиятининг (ички туризм доирасида ҳам) самарадорлигини турмаҳсулот қийматини яратиш ва тарқатиш занжири иштирокчиларининг ўзаро таъсири ва ўзаро алоқадорлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Занжирнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан ҳар бир иштирокчининг мустақил фаолияти

<sup>8</sup>Муаллиф ишланмаси

натижасига эмас, балки уларнинг ўзаро мувофиқлашувига боғлиқдир. Шундай қилиб, туристик фаолиятнинг самарадорлигини ўртага қўйиб, иқтисодий, ижтимоий ва синергетик самара оралиги изоҳлашни ўз ичига олган «мажмуавий» ёндашув таклиф этилди (2-расм).



**2-расм. Туристтик фаолият ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг концептуал модели<sup>9</sup>**

Шундай қилиб туристик фаолиятнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги – туризм соҳаси амал қилишининг ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар самарадорлигидан иборат уч жабҳатини ёритиб берувчи мураккаб комплекс тавсиф бўлиб, ўзаро муносабатлар самарадорлиги бевосита иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларда ифодаланади.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ички туризмнинг ривожланиш тенденциялари таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси ва унинг алоҳида ҳудудларида ички туризмни дифференциациялашнинг моддий-техник, табиий ва ижтимоий-маданий салоҳияти қиёсий таҳлили амалга оширилган, ҳамда ички туризмнинг ривожланиш тенденциялари тадқиқ этилган. Шунингдек, эконометрик усуллар ёрдамида ҳудудда ички туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини баҳолаш асосида ички туристик оқимнинг истиқболли параметрлари аниқланган.

Тадқиқот давомида ички туризм ривожланиши учун шароит ва имконият яратувчи ҳудуднинг моддий-техник салоҳияти ҳолатини бешта асосий унсур бўйича кўриб чиқилган, бунда жойлаштириш воситалари, умумий овқатлантириш корхоналари, транспорт, дам олиш объектлари,

<sup>9</sup>Муаллиф ишланмаси

шунингдек, ички туризм соҳасида фаолият юритиб келаётган туристик корхоналар фаолияти тадқиқот объекти сифатида танланган.

Таҳлил натижаларига кўра, 2005-2021 йиллар давомида туристик хизматларни ташкиллаштириш жараёнида ушбу хизматлардан фойдаланувчи ички туристлар сони 81,7 фоизга ошган, ташкиллаштириш хизматларида ички туризмнинг улуши эса мазкур давр оралиғида 76,3 фоизга ошган ҳолда 90,3 фоизни ташкил этган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистон ички туризм бозорида туристик хизматларни ташкиллаштириш: талаб ва таклиф таҳлили<sup>10</sup>

Кўрсаткичлар		2015	2019	2020	2021	2021/2015,%
туристик ташкилотлар	туристик ташкилотлар сони, бир.	398	517	337	288	72,4
	жами хизмат кўрсатилган сони, киши	560406	941990	212349	577766	103,1
	қабул қилинган ички туристлар сони, киши.	230177	440055	164481	480801	208,9
	Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларига жўнатилган ички туристлар сони, киши	57048	92489	12165	41208	72,2
	хизмат кўрсатилган ички таширф буюрувчилар, киши	287225	532544	176646	522009	181,7
	ички туризмнинг улуши, %	51,3	56,5	83,2	90,3	176,3

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жойлаштириш қувватини 143024 жой фондига эга 1141 та жойлаштириш воситалари (жумладан: 834 та меҳмонхоналар; 306 та ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари; 157 та индивидуал жойлаштириш воситалари ва ҳк) намоён этмоқда (3-жадвал).

## 3-жадвал

### Ўзбекистон ички туризм бозорида жойлаштириш хизматлари: талаб ва таклиф таҳлили<sup>11</sup>

кўрсаткичлар		2015	2019	2020	2021	2021/2015,%
Меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари	сони, бир.	615	1013	1109	834	135,6
	койка фонди (жойлар сони), бир.	34898	46671	50112	43504	124,7
	жами жойлаштирилганлар сони, бир.	1325240	2193394	702788	1216976	91,8
	шулардан Ўзбекистон фуқаролари, киши	900595	1099163	560305	885689	98,3
	тунашлар сони, бир.	3324754	4838910	1758779	2583983	77,7
	Ўзбекистон фуқаролари тунашлари сони, бир.	2277513	2482259	1340496	1690900	74,2
	ички туризмнинг улуши, %	68,5	51	76,2	65,4	95,5

2021 йил ҳолати бўйича, мамлакат миқёсида жойлаштириш муассасаларининг асосий қуввати тўртта ҳудудга: Тошкент шаҳри (35%); Самарқанд (11%); Бухоро (13%); Хоразм (8%) вилоятларига тўғри келган. Мамлакатимизда оилавий меҳмон уйлари (2021 йил ҳолати бўйича, республика бўйича 1572 ўринга эга 133 та оилавий меҳмон уйлари фаолият юритган) хос жойлаштириш инфратузилмасининг шакллантирилиши мамлакат ҳудудлари бўйлаб жойлаштириш воситаларининг тенг тақсимланмаганлиги оқибатида туристик маҳсулотлар

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган



дифференциациясининг сусайиши каби масалаларнинг самарали ечими бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари қувватини 99466 жой фондига эга 306та ташкилот намоён этиб, мамлакат миқёсида ихтисослаштирилган жойлаштириш муассасаларининг асосий қуввати бешта ҳудудга: Тошкент ш. (16%) ҳамда Тошкент (31%), Фарғона (8%), Наманган (7%), Қашқадарё (11%), Самарқанд (6%); вилоятларига тўғри келмоқда. 2015-2021 йиллар давомида Ўзбекистон ички туризм бозорида соғломлаштириш ва рекреацион хизматлар талаби ва таклифи ўзгаришида қуйидаги ижобий тенденцияларни, яъни: санатор-курорт ташкилотлари сонининг 14 фоизга; улардаги койка фондининг 23 фоизга кўпайганлигини кузатиш мумкин. 2015-2021 йиллар давомида санатор-курорт ташкилотлари хизматларидан фойдаланган ички туристлар сони 20,9 фоизга ошган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Ўзбекистон ички туризм бозорида рекреацион хизматлар: талаб ва таклиф таҳлили<sup>12</sup>

кўрсаткичлар		2015	2019	2020	2021	2021/2015,%
санатор-курорт ташкилотлари	сони, бир.	157	201	203	179	114,0
	койка фонди (жойлар сони), бир.	22098	28073	28209	27195	123,1
	жами жойлаштирилганлар сони, бир.	310241	528308	219902	381731	123,0
	шулардан Ўзбекистон фуқаролари, киши	305575	503803	214113	369559	120,9
	тунашлар сони, бир.	4214597	5139698	2656701	3707591	88,0
	Ўзбекистон фуқаролари тунашлари сони, бир.	4205206	4991953	2612101	3616349	86,0
	ички туризмнинг улуши, %	99,8	97,1	98,3	97,5	97,8
Дам олиш ташкилотлари	сони, бир.	209	86	106	57	27,3
	койка фонди (жойлар сони), бир.	35734	4742	8000	5163	14,4
	жами жойлаштирилганлар сони, бир.	260413	75075	47108	238746	91,7
	шулардан Ўзбекистон фуқаролари, киши	258569	69813	45692	236964	91,6
	тунашлар сони, бир.	1588425	196373	151374	348876	22,0
	Ўзбекистон фуқаролари тунашлари сони, бир.	1585257	187635	146243	342620	21,6
	ички туризмнинг улуши, %	99,8	96	96,6	98,206813	98,4
Туристтик базалар	сони, бир.	4	8	8	3	75,0
	койка фонди (жойлар сони), бир.	318	382	997	128	40,3
	жами жойлаштирилганлар сони, бир.	4568	4365	956	1970	43,1
	шулардан Ўзбекистон фуқаролари, киши	2190	579	955	469	21,4
	тунашлар сони, бир.	15499	5249	3331	3289	21,2
	Ўзбекистон фуқаролари тунашлари сони, бир.	13110	1308	3323	1335	10,2
	ички туризмнинг улуши, %	84,6	24,9	99,8	40,589845	48,0

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, соғломлаштириш, рекреацион туризм ички туризмнинг истиқболли сегментлари сифатида эътироф этилди.

<sup>12</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Тадқиқотимиз давомида туристик корхоналарнинг туристик фаолият тури (ички, кирувчи, чикувчи туризм) бўйича таҳлили амалга оширилган. Таҳлил натижасига кўра, мамлакатимиз туризм бозорида фаолият олиб бораётган туристик корхоналарнинг 9,1 фоизи ички туризмга ихтисослашган ҳисобланиб, 93,4 фоизи туризмнинг бошқа турлари қаторида ички туризм йўналишида турмаҳсулот ишлаб чиқади. Мазкур корхоналарнинг географик жойлашуви нотекис бўлиб, ички туризм йўналишида фаолият олиб бораётган тўртта ҳудудга: Тошкент шаҳри (59,6%); Самарқанд (11,4%); Бухоро (7,8%); Хоразм (3,6%) вилоятларига тўғри келмоқда (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Туристтик фирмаларнинг сони, фаолият тури ва ҳудуд бўйича тақсимланиши тўғрисида маълумот<sup>13</sup>

№	Ҳудуд	Туризм фаолият тури							Жами ҳудудда
		Ички Чикувчи Кирувчи	Ички туризм	Чикувчи	Кирувчи	Чикувчи Кирувчи	Ички Чикувчи	Ички кирувчи	
1.	Тошкент ш.	767	27	10	12	37	15	1	869
2.	Самарқанд в.	131	17	2	3	7	5	2	167
3.	Бухоро в.	76	26	-	2	7	5	-	116
4.	Хоразм в.	36	11	-	4	1	2	-	54
5.	Тошкент в.	25	11	-	-	1	4	-	41
6.	Фарғона в.	27	10	-	-	-	-	-	37
7.	Андижон в.	30	3	-	-	-	2	-	35
8.	Қорақалпоғистон Р.	18	12	-	-	1	2	-	33
9.	Сурхондарё в.	27	4	-	2	-	-	-	33
10.	Наманган в.	20	1	-	-	1	-	-	22
11.	Қашқадарё в.	12	4	-	-	1	1	-	18
12.	Навоий в.	11	5	-	-	-	1	-	17
13.	Сирдарё в.	3	1	1	-	2	1	1	9
14.	Жиззах в.	2	-	-	-	2	-	-	4
Жами:		1185	132	13	23	60	38	4	1455

Фаолият турига кўра фоиз ҳисобида туроператорлар қуйидагича тақсимланади (6-жадвал)

#### 6-жадвал

#### Фаолият турига кўра туроператорлар тақсимооти<sup>14</sup>

№	Туризм фаолият тури	Сони	% ҳисобида
1.	Ички; Чикувчи; Кирувчи	1185	81,4%
2.	Ички	132	9,1%
3.	Чикувчи; Кирувчи	60	4,1%
4.	Ички; Кирувчи	38	2,6%
5.	Кирувчи	23	1,6%
6.	Чикувчи	13	0,9%
7.	Ички; Чикувчи	4	0,3%

Ички туристик оқимнинг истиқболли параметрларини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқиладиган моделнинг статистик танланмасига Ўзбекистон Республикаси алоҳида ҳудудларида туристик-рекреацион соҳа ва

<sup>13</sup> [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz) сайти таҳлили асосида ҳисобланган

<sup>14</sup> [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz) сайти таҳлили асосида ҳисобланган

туризм инфратузилмасининг ривожланиш ҳолатини ифода этувчи кўрсаткичларнинг 2005-2020 йиллар давомидаги қийматлари ҳамда ушбу давр оралиғида «ички туристлар сони» киритилди.

Бунда натижавий кўрсаткич ҳисобланган «ички туристлар сони»га танланмага киритилган омилларнинг таъсир этиш даражаси аниқланди. Шундай қилиб, биз «энг кичик квадратлар» усули ёрдамида «у» – «ички туристлар сонининг»  $x_1, x_2, \dots, x_k$  омилларига боғлиқлигини аниқловчи эконометрик ифода (эконометрик модел) ишлаб чиқилди (7-жадвал).

7-жадвал

### Моделнинг тузилмавий таркиби<sup>15</sup>

Натижавий кўрсаткич (Y1) – кировчи туристлар сони (минг киши)						
Аҳамиятли омиллар		Стандартлаштирилмаган коэффицентлар		Стандартлаштирилган коэффицентлар	t-статистика	p-қиймат
		B	Стандарт хато			
	Константа	-154114,995	1634811,665		-0,094	0,929
X <sub>2</sub>	катталар учун санаторийлар, бир.	11940,612	20267,940	0,126	1,589	0,081
X <sub>3</sub>	болалар санаторийлари, бир.	-60286,857	31798,466	-0,367	-2,896	0,016
X <sub>5</sub>	санаторий-прафилакторийлар, бир.	-15070,785	20573,579	-0,246	-2,733	0,097
X <sub>6</sub>	санаторий-курорт ташкилотларида жойлар сони, бир.	35,507	68,617	0,290	0,517	0,627
X <sub>8</sub>	меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг бошқа муқобил воситаларида жойлар сони, бир.	12,368	28,349	0,290	0,436	0,681
X <sub>11</sub>	туристик ташкилотлар сони, бир.	5733,236	1651,932	0,870	30,471	0,018
X <sub>10</sub>	дам олиш ташкилотларида жойлар сони, бир.	0,064	7,614	0,002	1,008	0,194
X <sub>13</sub>	туристик базаларда жойлар сони, бир	92,661	210,958	0,089	1,439	0,179
X <sub>14</sub>	индивидуал жойлаштириш воситалари сони, бир.	-1603,710	3052,029	-0,193	-1,525	0,122
$Y2 = -154114,995 + 11940,6 \times X_2 - 60286,9 \times X_3 - 15070,785 \times X_5 + 35,507 \times X_6 + 12,368 \times X_8 + 5733,236 \times X_{11} + 0,064 \times X_{10} + 92,6 \times X_{13} - 1603,7 \times X_{14}$						

Эконометрик таҳлил натижасида истиқболда ички туристлар сонининг қуйидаги параметрлари аниқланди:

1. Ички туристлар сонининг кўпайишида сайёҳлик инфратузилмаси ривожланишининг қуйидаги кўрсаткичлари аҳамиятли таъсир этади: катталар учун санаторийлар, санаторий-курорт ташкилотларида жойлар сони, туристик корхоналар сони, дам олиш ташкилотларида жойлар, меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг бошқа муқобил воситаларида жойлар ва туристик базалардаги жойлар сони;

2. Санаторий-профилакторийлар ва болалар санаторийлари, индивидуал турар жойлар сони каби кўрсаткичлар натижавий омилга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади;

<sup>15</sup>Муаллиф ишланмаси

3. Катталар учун санаторийлар сонининг бир бирликка кўпайиши ички туристлар сонининг 11940 кишига кўпайишига шароит яратади;

4. Санаторий-курорт ташкилотларида жойлар сонининг бир бирликка кўпайиши ички туристлар сонининг 35 кишига кўпайишига шароит яратади;

5. Туристтик корхоналар сонининг бир бирликка кўпайиши ички туристлар сонининг 5733 кишига кўпайишига шароит яратади;

6. Туристтик базалардаги жойлар сонининг бир бирликка кўпайиши ички туристлар сонининг 93 кишига кўпайишига шароит яратади;

7. Меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг бошқа муқобил воситаларида жойлар сонининг бир бирликка кўпайиши ички туристлар сонининг 12 кишига кўпайишига шароит яратади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ички туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг таҳлилий натижаларига кўра, қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириш мумкин:

- алоҳида ҳудудда ички туризмнинг ривожлантириш стратегияси ҳудудий хусусиятлар қаторида халқаро миқёсда ушбу соҳанинг ривожланиш ҳолатидан келиб чиқадиган чуқур таҳлилий натижаларга асосланиши лозим;

- алоҳида ҳудудларда туристик-рекреацион соҳанинг ривожланганлиги ички туризмнинг ривожланишига сезиларли таъсир этади;

- туризм инфратузилмасининг, айниқса туристик-рекреацион соҳа инфратузилмасининг ривожланганлиги ички туризмнинг шиддатли ривожланишига таъсир этувчи куч ҳисобланади;

- ички туризмни ривожлантириш дастурлари алоҳида ҳудудларнинг ресурс салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, манзилли ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ички туризм ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида ички туризм ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш омили сифатида уни диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари, хусусан қишлоқ жойларида агроэкотуризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, яшил туризмни ташкил этиш услублари ва стандартларини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, ҳудудда ички туризм ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини комплекс ва интеграциялаш ёндашувларидан фойдаланиб такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, Бутунжаҳон туризм ташкилотининг туризм ва рекреация соҳасидаги халқаро статистик ҳисоб юритиш бўйича тавсиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида, ҳамда мамлакатимизда туризм соҳасида юритиладиган статистик ҳисобнинг ўзига хос томонлари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда, ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таклиф этилди (8-жадвал).

## 8-жадвал

**Ички туризм ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари  
ва уларни аниқлаш усуллари**

	<b>Ички туризм ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари</b>	<b>Аниқлаш усуби</b>
1	Барча жойлаштириш муассасалари, шу жумладан махсус жойлаштириш муассасалари жой сифими бирлигига тўғри келадиган ички туристлар сони (киши / жой).	$k_1 = \frac{VT}{V_{sr}}$ бунда: $VT$ - жами хизмат кўрсатилган ички туристлар сони; $V_{sr}$ - барча жойлаштириш муассасалари, шу жумладан махсус жойлаштириш муассасалари жойлар сони.
2	Битта жойлаштириш муассасаси томонидан хизмат кўрсатилган ички туристлар ўртача йиллик сони (киши).	$k_2 = \frac{VT}{K_{sr}}$ бунда: $VT$ - жойлаштириш муассасаларида жами хизмат кўрсатилган ички туристлар сони; $K_{sr}$ - жойлаштириш муассасалари сони.
3	Турист ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатиладиган ички туристлар ўртача йиллик сони (киши).	$k_3 = \frac{VT_t}{V_t}$ бунда: $VT_t$ - туристик ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилган ички туристлар сони; $V_t$ - туристик ташкилотлар сони.
4	Ички туризм соҳасида жой фондидан фойдаланиш коэффиценти (бирдан улуш).	$k_4 = \frac{VT}{V_{sr} \times 365}$ бунда: $VT$ - жами хизмат кўрсатилган ички туристлар сони; $V_{sr}$ - жой фонди.
5	Ички туризм соҳасидаги меҳнат унумдорлиги (хизмат кўрсатилган ички туристлар сони (киши) / ходимлар ва ишчилар сони (киши))	$k_5 = \frac{VT}{K_{rab}}$ бунда: $VT$ - хизмат кўрсатилган ички туристлар сони; $K_{rab}$ - туризм соҳасида фаолият юритувчи ишчи ва ходимлар сони.
